

Нафиса ХАЁТОВА,
Бухоро давлат университети,
“Миллий гоя, маънавият асослари
ва ҳуқуқ таълими” кафедраси ўқитувчиси

БУХОРО ШАҲРИДА СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА ИЖТИМОЙ ИНФРАСТРУКТУРА ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ (ОЛИЙ ТАЪЛИМ МИСОЛИДА)

Маълумки, шаҳарлар ижтимоий инфратузилмасида таълим, соғлиқни сақлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис, маданий масканлар ҳамда соғлиқни сақлаш муассасалари муҳим ўрин тутadi. Истиқлол йилларида Ўзбекистонда амалга оширилаётган чуқур ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижасида бу соҳада туб ўзгаришлар ва янгиланишлар содир бўлди.

Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида ижтимоий соҳа, хусусан, таълим ва илм-фан соҳаларини такомиллаштириш борасида қатор вазифалар белгиланган. Ҳужжатда таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги таълим муассасалари қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш баробарида уларни замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси, ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш назарда тутилган. Сўнгги йилларда ижтимоий соҳага оид Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг етмишга яқин фармон, қарор ва фармойиши қабул қилинди. Бу том маънода таълим тизимидаги ўзгариш ва янгиланишлар жараёнини бошлаб берди.

Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасига ҳар йили сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 10-12 фоизни ташкил этади. Бу ЮНЕСКОнинг мамлакатни барқарор ривожлантиришни таъминлаш учун таълимга йўналтириши зарур бўлган инвестициялар миқдори бўйича тегишли тавсиялардан, яъни 6-7 фоиздан қарийб икки баробар кўпдир¹.

Ижтимоий соҳанинг муҳим йўналишлардан бири таълим тизими бўлиб, бу борада Бухорода бир қанча амалий қадамлар қўйилди. 2019 йилда Бухоро вилоят бюджети тузилмасида аввалги йилларда бўлгани каби ижтимоий соҳа харажатлари асосий ўринни эгаллаб, 1 триллион 384 миллиардни ташкил қилиб, бу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан 163 фоизга кўп бўлиб, вилоят бюджети умумий харажатларининг 66 фоизини ташкил этди².

Маълумки, олий ўқув юртлари мамлакат таълим тизимида етакчи бўғиндир. Сабаби олий таълимда Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамловчи, миллий бойликни ўсишига имкон яратувчи, кучли ва қатъиятли мутахассислар етишиб чиқади. Истиқлол

¹ Ўзбекистон шаҳарларининг энг янги тарихи: ислохотлар ва модернизация жараёнлари. Т.: 2016. 81-бет.

² Бухоронома. “2019 йил вилоят маҳаллий бюджети ижросининг қўйилаётган натижалари ва 2020 йилги вилоят бюджети тўғрисида”. 2019 йил, 28 декабрь (№104)

йилларида ёшларга ҳозирги замон энг илғор билимларни бериш, уларни давр талабига мос мутахассис қилиб тарбиялашда изчил ишлар олиб борилмоқда, зеро, халқи маърифатли, жаҳон илм-фани ва маданиятидан хабардор миллат мамлакатнинг равнақига равнақ қўшаверади. Шу боис кейинги йилларда Ўзбекистон раҳбарияти жойларда илм-фанни, биринчи навбатда, универсал олий таълимни ривожлантириш учун барча чоратadbирларни кўра бошлади. Таълим соҳасида ўқув муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш борасидаги ишлар ҳозирги кунга қадар изчил давом эттирилмоқда. Бу мақсадларда катта миқдорда маблағ ажратилиб, шу қатори хорижий мамлакатлар билан илмий-техникавий таълим соҳасида ҳамкорлик тобора чуқурлашиб бормоқда. Шубҳасиз, бу тадбирлар мазкур тизимда кескин бурилиш ясаш, келажакда мамлакатни юксак малакали билимдон мутахассислар билан таъминлаш имконини беради.

Бугунги кунда Бухоро шаҳрида 4 та олий таълим муассасаси фаолият юритмоқда. Бухоро давлат университети, Бухоро муҳандислик технология институти, Бухоро давлат тиббиёт институти ва Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Бухоро филиалидир. Ҳозирги кунда таълим-тарбия масканлари фаолиятини янада ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва бугунги кун талаблари асосида жиҳозлаш даражасини ошириш, ижтимоий инфратузилма объектларини жадал ривожлантириш амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

2011–2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш дастури доирасида 19 та олий таълим муассасасида қурилиш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича қиймати 230 миллиард сўмлик ишлар бажарилди³. Шулар қатори Бухоро муҳандислик –технология институтида янги ўқув бинолари барпо этилди. 2014 йилда

биргина Бухоро давлат университетининг бош биносини капитал таъмирлаш, моддий техник базаси янгиланиш учун 11 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Бугунги кунда олий таълим муассасаларида 22 та факультет, 83 та кафедра, 79 та бакалаврият таълим йўналиши ва 33 та магистратура мутахассислигида дарс ва илмий фаолият олиб борилмоқда. Бакалаврият йўналишларида 18314 нафар, магистратура мутахассислиги бўйича 470 нафар талабалар, махсус сиртки ва сиртки йўналишларида 1878 нафар талабалар таҳсил олмоқда. Шу билан бирга, олий таълим муассасаларида 604 нафар хорижий талабалар таҳсил олиб, ўтган давр давомида 249 та хорижий олий таълим муассасалари билан меморандумлар имзоланган. 2019–2020 ўқув йилида 22 та янги таълим йўналишлари ва 8 та янги мутахассисликлар ташкил этилди. Муассасаларни 2019–2020 ўқув йилига тайёрлаш мақсадида жами 17,622 млрд. сўмдан ортиқ маблағлар ажратилди⁴. Ушбу маблағлар, мисол тариқасида Бухоро давлат университетининг ўзида 270 та ўқув аудиторияларини видеокузатув воситалари ва телевизорлар билан жиҳозлашда, талабалар турар жойини таъмирлаш, қозонхоналарни алмаштириш, иситиш тизимларини реконструкция қилиш, ҳожатхона ва ювиниш хоналарини жиҳозларини янгилашда ишлатилди. Бухоро давлат тиббиёт институтини 2019–2020 ўқув йилига тайёрлаш мақсадида эса жами 6,405 млрд. сўмдан ортиқ маблағлар ажратилган бўлиб, муассасанинг 12 та объектида, *(1 та талабалар турар жойи, 5 та ўқув ва лаборатория бинолари, 6 та ер майдонларда)* янги ўқув йилига тайёрлаш ишлари олиб борилган бўлиб, бугунги кунга қадар ажратилган маблағларнинг 3,2 млрд. сўми (50 фоиз) ўзлаштирилди⁵. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Бухоро филиалини 2019–2020 ўқув йилига тайёрлаш мақсадида жами 1,5 млрд. сўмдан ортиқ маблағлар ажратилган бўлиб, 12 та объектларини *(3 та талабалар турар жойлари, 1 та ахборот-ресурс марказлари, 2 та компьютер хоналари,*

³ Ўзбекистон шаҳарларининг энг янги тарихи: ислохотлар ва модернизация жараёнлари. Т.2016, 91-бет

⁴ Бухоро шаҳар ҳокимлиги маълумотлари.

⁵ Бухоро шаҳар ҳокимлиги маълумотлари.

1 та ўқув ва лаборатория бинолари, 5 та ер майдонлари) янги ўқув йилига тайёрлаш ишлари олиб борилди. Бугунги кунга қадар ажратилган маблағларнинг 1,1 млрд. сўми (71,5 фоиз) ўзлаштирилди.

Ҳар бир олий таълим муассасасида сўнгги йилларда жуда катта ўзгаришларни кўришимиз мумкин. Жумладан, 2019 йилда Бухоро давлат университетида 12 та факультет, 32 та кафедра, 41 та бакалаврият таълим йўналиши ва 20 та магистратура мутахассислигида дарс ва илмий фаолият олиб борилмоқда. Бакалаврият йўналишларида 11441 нафар, магистратура мутахассислиги бўйича 201 нафар талабалар, махсус сиртқи ва сиртқи йўналишларида 1 878 нафар талабалар тахсил олмоқда. Шу билан бирга, 324 нафар хорижий талабалар тахсил олмоқда.

Ҳозирги кунда, муассасада 723 нафар профессор-ўқитувчилар фаолият олиб бораётган бўлиб, шундан 36 нафарини фан доктори профессорлар, 181 нафарини фан номзоди доцентлар, 506 нафарини ўқитувчилар ташкил этади. Шу билан бирга, таълим муассасасида 56 нафар таянч докторантлар илмий тадқиқот олиб бормоқда. 2019-2020 янги ўқув йилида 150 га яқин янги кадрлар ишга қабул қилинган бўлса-да олий таълим муассасасининг илмий даражаси ўртача 30,0 фоизни (республика миқёсида олий таълим муассасасининг илмий даражаси 34,0 фоиз) ташкил этади.

20192020 ўқув йилида магистратурага қабул режалари 91 тадан 105 тага кўпайтирилди, 12 та янги таълим йўналишлари ва 4 та янги мутахассисликлар ташкил этилди. Ўтган даврда Бухоро Давлат Университети 37 та хорижий олий таълим муассасалари билан меморандумлар имзолаган. Шу қатори бугунги кунда хорижий давлатлар билан қўшма дастурлар имзоланиб, ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жумладан, М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Қозон Федерал университети, Исроил давлати Холон технология институти, Франциянинг VATEL туризм олий бизнес мактаби, Индонезиянинг Гунадарма университетлари билан қўшма таълим дастурлари ташкил этилди.

Бугунги кунда энг илғор институтлардан бири Бухоро давлат тиббиёт институтида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бухоро давлат тиббиёт институтида 4 та факультет, 19 та кафедра, 7 та йўналиш фаолият юритаётган бўлиб, 2364 нафар бакалаврият йўналишларида, 84 нафар магистратура мутахассислиги бўйича талабалар тахсил олмоқда. Вилоятдаги тиббий муассасаларда институтининг 18 та клиник кафедралари фаолият юритмоқда. Муассасада 297 нафар профессор-ўқитувчилар фаолият олиб бораётган бўлиб, шундан 21 нафарини фан доктори профессорлар, 41 нафарини фан номзоди доцентлар, 235 нафарини ўқитувчилар ташкил этади. Шу билан бирга, таълим муассасасида 27 нафар докторантлар фаолият юритмоқда.

Олий таълим муассасасининг илмий даражаси ўртача 43,1 фоизни (республика миқёсида олий таълим муассасасининг илмий даражаси 34,0 фоиз) ташкил этади.

20192020 ўқув йилида магистратурага қабул режалари 51 тадан 63 тага кўпайтирилди. Профессор-ўқитувчилар томонидан 20192021 йилларга мўлжалланган давлат илмий-техник дастурларини бажариш доирасида 6 та амалий ва инновацион лойиҳалар ишлаб чиқилди.

Ўтган давр мобайнида 140 та хорижий олий таълим муассасалари билан меморандумлар имзоланган. Жумладан, Бухоро давлат тиббиёт институти билан Н.И. Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети, Дагестан давлат тиббиёт университети, Санкт-Петербург давлат педиатрия тиббиёт университети, Оренбург давлат тиббиёт университети, Курск давлат тиббиёт университети, Ҳиндистон давлатининг GD Goenka университети, Туркия Республикасининг Соғлиқ билимлари университетлари билан қўшма таълим дастурлари асосида фаолият олиб борилмоқда.

Бугунги кунда Бухоро муҳандислик-технология институтида 5 та факультет, 21 та кафедра, 19 та бакалаврият таълим йўналиши ва 13 та магистратура мутахассислигида дарс ва илмий фаолият олиб борилмоқда. Бакалаврият йўналишларида 5 490 нафар, магистратура

мутахассислиги бўйича 204 нафар талабалар таҳсил олмоқда. Шу билан бирга, 33 нафар хорижий талабалар таҳсил олмоқда. Муассасада 458 нафар профессор-ўқитувчилар фаолият олиб бораётган бўлиб, шундан 16 нафарини фан доктори профессорлар, 126 нафарини фан номзоди доцентлар, 316 нафарини ўқитувчилар ташкил этади. Шу қатори, таълим муассасасида 39 нафар таянч докторантлар фаолият юритмоқда⁶.

Олий таълим муассасасининг илмий даражаси ўртача 31,0 фоизни (республика миқёсида олий таълим муассасасининг илмий даражаси 34,0 фоиз) ташкил этади.

20192020 ўқув йилида қабул квоталари сони 1300 тадан 1730 тага оширилди, шунингдек магистратурага қабул режалари 92 тадан 120 тага кўпайтирилди, 7 та янги таълим йўналишлари ва 1 та янги мутахассислик ташкил этилди.

Ўтган давр мобайнида институт профессор ўқитувчилари томонидан илмий тадқиқот ишлари учун 16 та патентлар олинди ва академик инновациялар фонди танловига иштирок этган ҳолда, 80 минг АҚШ доллари миқдоридаги грантни қўлга киритди. Худудларда иқтисодиёт тармоқлари ва илм-фаннинг ривожланишини таҳлилий прогнозлаш мақсадида институт ҳудудида “Форсайд маркази” ташкил этилди. Ўтган давр мобайнида 21 та хорижий олий таълим муассасалари билан меморандумлар имзоланган. Жумладан, Бухоро муҳандислик технология институти билан Могилёв Давлат университети, “Станкин” Москва Давлат технология университетлари ўртасида қўшма таълим дастурлари ташкил этилди.

Ягона филиал сифатида фаолият юритаётган институт, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Бухоро филиалида 2 та факультет, 10 та кафедра, 12 та йўналиш фаолият юритаётган бўлиб, 1 573 нафар бакалаврият йўналишларида, 6 нафар магистратура мутахассислиги бўйича талабалар таҳсил олмоқда. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари

институтининг Бухоро филиали соҳага тегишли ташкилот ва корхоналарда 23 та кафедра филиаллари фаолият юритмоқда.

Муассасада 149 нафар профессор-ўқитувчилар таҳсил бериб, шундан 4 нафарини фан доктори профессорлар, 39 нафарини фан номзоди доцентлар, 146 нафарини ўқитувчилар ташкил этади. Шу билан бирга, таълим муассасасида 10 нафар докторантлар фаолият юритмоқда. Олий таълим муассасасининг илмий даражаси ўртача 35,3 фоизни (республика миқёсида олий таълим муассасасининг илмий даражаси 34,0 фоиз) ташкил этади. Профессор-ўқитувчилар томонидан 20192021 йилларга мўлжалланган давлат илмий-техник дастурларини бажариш доирасида 3 та амалий ва инновацион лойиҳалар ишлаб чиқилди. Филиал профессор ўқитувчилари томонидан илмий тадқиқот ишлари учун 12 та патентлар ҳамда 3 та гувоҳнома олинди.

Ўтган давр мобайнида 12 та хорижий олий таълим муассасалари билан меморандумлар имзоланган.

Германия Таълим ва фан вазирлиги (BMBF) Лейбниц қишлоқ хўжалиги ландшафтлари Илмий тадқот маркази ва Гумбольд, Кассель университетлари билан ҳамкорликдаги лойиҳалар доирасида 7400 евро миқдоридаги лаборатория жиҳозлари келтирилди⁷.

20192020 ўқув йилида қабул квоталари сони 270 тадан 535 тага оширилди, шунингдек магистратурага қабул режалари 6 тадан 21 тага кўпайтирилди, 3 та янги таълим йўналишлари ва 3 та янги мутахассисликлар ташкил этилди.

Шуни айтиш жоизки ҳозирги кунда олий таълим тизимида ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Жумладан, Бухоро давлат университетида ўқув лабораториялар замонавий жиҳозлар билан таъминланмаганлиги, қабул квоталари ошиши муносабати билан Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежи ҳамда Бухоро туризм коллежи университет тасарруфига ўтганлиги билан хоналар таъмир талаблиги, керакли жиҳозлар билан таъминланмаганлиги, АРМда адабиётларнинг етишмаслиги, электрон адабиётларнинг камлиги муаммолигича

⁶ Bmti.uz

⁷ Бухоро шаҳар ҳокимлиги маълумотлари.

қолмоқда. Шу қатори Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан университет моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, илмий-тадқиқот лабораторияларини жиҳозлаш ва асбоб-ускуналари олиш белгиланган бўлса-да, бироқ 4 та Олий таълим муассасасида ҳам ўтган давр мобайнида ҳеч қандай ишлар амалга оширилмаган. Худди шу камчиликларни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Бухоро филиалида ҳам кўришимиз мумкин. Ўқув лаборатория хоналари замонавий жиҳозлар билан таъминланмаганлиги, талабалар учун спорт комплекси ва спорт майдончасини қуриш ишларини якунлаш мақсадида маблағнинг етишмаслиги, Президентнинг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан филиал моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида 6,168 млрд сўмлик 11 та лаборатория жиҳозлари, 600 млн. сўмлик қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани олиш белгиланган бўлсада ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан 19 та фан бўйича ўқув лабораториялари билан таъминлаш режалаштирилган бўлса-да ўтган давр мобайнида бу борада ҳеч қандай ишлар амалга оширилмаган. Бухоро муҳандислик-технология институтида ҳам ўқув лабораторияларини замонавий жиҳозлар билан таъминлашда муммолар, институт ҳудудида 1 000 ўринли талабалар турар жойи ва 500 ўринли ошхонага эҳтиёж борлиги ва буларни амалга оширишда маблағлар етишмаётганлиги муаммо сифатида қолмоқда. Бухоро давлат тиббиёт институтида ҳам ҳозирги кунда қўшимча контрактлар асосида катта қўламда қурилиш олиб борилаётган бўлса-да, Бухоро вилояти экологик шароитидан келиб чиқиб, юқумли ва юқумли бўлмаган, онкологик

касалликлар ва уларнинг асоратларини эрта аниқлаб, уни олдини олиш, профилактик чора-тадбирларини минтақамизда амалга ошириш мақсадида институтда ўқув-илмий лабораторияларини қуриш ва жиҳозлаш учун маблағлар етишмаслиги ва Бухоро давлат институти учун “Симуляцион маркази” учун замонавий талаблар асосида янги бино қурилган бўлсада, марказни жиҳозлаш учун 5,0 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағ етишмаслиги муаммо сифатида қолмоқда.

Хулоса қиладиган бўлсак, ҳозирги кунда илм-у фан соҳасида рақобат муҳити ҳаётий зарурат бўлиб қолди. Илм-фандаги рақобат янги-янги фикр ва ғояларга тўртки беради, киши дунёқарашини кенгайтиради. Қайси университет ўз ихтиролари, илмий тадқиқот ишлари, илмий хулоса ва ишланмалари билан рабоқатбардошликда чидамли бўлса, ўша олий таълим муассасасининг нуфуз ва эътибори оша боради. Давлатимиз томонидан олиб борилаётган олий таълим соҳасидаги ислохотлар, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг қабул қилиниши юқорида кўрсатилган муаммоларни ҳал қилинишига умид бағишлайди.

Ёшларга ҳозирги замон энг илғор билимларини бериш, уларни давр талабига мос мутахассис қилиб тарбиялашда, албатта бугунги кун талабларига жавоб берадиган моддий-техник база шакллантирилиши керак. Талабалар турар жойлари, кутубхона, ўқув устахоналари, лабораториялар, спорт соғломлаштириш ва ижтимоий инфратузилма объектлари мавжуд эҳтиёжни қондириши даркор.

Хорижий фуқароларни шахримиз олийгоҳларида таҳсил олишидан манфаатдор эканмиз, мавжуд талабалар турар жойлари ҳамда ижтимоий инфратузилма объектлари албатта хорижий талабалар эҳтиёжларини қондириши учун шарт-шароит яратилиши керак.

Истаб қоламизки, олийгоҳларда ўқиш-ўқитиш ишлари илмий тадқиқотлар билан чамбарчас боғланган ҳолда олиб борилиб, мамлакат тараққиётининг катта-катта муаммолари ана шу даргоҳларда ўз илмий ечимини топади.